

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

21 “ ИЮНЬ ” 2018 й. г. № 461

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида” 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида” 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида” 2018 йил 20 апрелдаги ПФ–5421-сон Фармонига мувофиқ мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилингани ҳамда у 2019 йил 1 майга қадар давом этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 2-иловага мувофиқ;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари бир ҳафта муддатда 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ таркибда кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссияларини тузсин.

4. Куйидагилар:

а) Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг ишини “республика – вилоят – туман (шаҳар)” уч поғонали принцип бўйича мувофиқлаштириш ва назорат қилиб бориш;

мазкур Комиссия ишчи органи ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссияларининг фаолиятига ташкилий-техник ҳамда услубий кўмаклашиш;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссиялари қарорларидан норози бўлган мурожаат этувчиларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан тақдим этилган ҳисоботни умумлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорак якуни бўйича тақдим этиб бориш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссиялари қарорларидан норози бўлган шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

туман (шаҳар) комиссиялари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида доимий назорат қилиб бориш;

туман (шаҳар) комиссияларининг фаолияти тўғрисида ҳар ой якуни бўйича ҳисоботини таҳлил қилиш ва республика комиссиясига тақдим этиб бориш;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ахборот бериб бориш;

в) туман (шаҳар) комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бир марталик акция доирасида кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш учун тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича тегишли ҳулоса бериш;

бир марталик акция доирасида кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш учун тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқишда мазкур комиссиялар аъзолари томонидан тегишли кўчмас мулк объектини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ишларини ташкил этиш;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни ва бошқа камчиликларни бартараф этиш бўйича мурожаат этувчига тавсиялар бериш;

ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни ушбу қарорнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-санасига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этиш;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ахборот бериб бориш.

#### 5. Белгилаб қўйилсинки:

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича республика ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссияларининг фаолияти ушбу қарорга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилади;

кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг ишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишлари “республика – вилоят – туман (шаҳар)” уч поғонали принцип бўйича амалга оширилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарорлари қабул қилингандан сўнг кўчмас мулк объектлари ягона электрон маълумотлар базасига ҳамда ер фонди тоифалари бўйича ҳисоботларга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ушбу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ жисмоний шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик тизимининг узлуксиз ишлашини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ягона биллинг тизими орқали реал вақт режимида тўловлар электрон шаклда қабул қилинишини ҳамда йиғимлар суммаси ҳисоби юритилишини таъминласинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларига ҳудудий комиссиялар томонидан кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича ахборотлар киритилишини таъминласинлар.

10. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари ушбу қарорда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг амалиётда қўлланишини мунтазам ўрганиб борсин ва зарурат бўлганда, унинг нормаларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилишини таъминласинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Р. Сариев, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 21 ” \_\_\_\_\_ ИЮН даги  
461-сон қарорига  
1-илова

**Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир  
марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан  
мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида жисмоний шахсларнинг қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган яқка тартибдаги уй-жойига (кейинги ўринларда Ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб аталади) нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари кўп қаватли уйларга ва уларга тутшиб кетган ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга, нотурар жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Бир марталик акция доирасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссияларнинг фаолияти мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) аъзолари ўртасида ахборот алмашиш идоралараро электрон ҳамкорлик тизими (кейинги ўринларда тизим деб аталади) орқали амалга оширилади.

**2-боб. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан  
мулк ҳуқуқини олиш учун мурожаат қилиш**

5. Жисмоний шахс (унинг қонуний вакили) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

муурожаат этувчининг паспорти нусхаси;

муурожаат этувчининг оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари.

муурожаат этувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

6. Муурожаат этувчи аризани ўз имзоси билан тасдиқлайди.

7. Аризани кўриб чиқиш учун Давлат хизматлари маркази томонидан йиғим ундирилмайди, бир марталик акция доирасида тўланадиган бир марталик йиғим бундан мустасно.

8. Мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ёлғон маълумотлар ёхуд унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги аризани қабул қилишда рад этиш учун асос ҳисобланади.

Аризани бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

9. Ариза рўйхатдан ўтказилгандан кейин Давлат хизматлари маркази ходими мурожаат этувчига ариза олингани тўғрисида тилхат беради ёки рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда, ариза нусхасида унинг қабул қилингани тўғрисида тегишли ёзувни қайд этади.

10. Мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Давлат хизматлари маркази ходими томонидан сканерланади ва бир соат мобайнида тизим орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиалларига (кейинги ўринларда комиссия ишчи органи деб аталади) юборилади.

### **3-боб. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун тақдим этилган мурожаатларни кўриб чиқиш**

11. Комиссия ишчи органи ариза келиб тушгандан сўнг 3 иш куни мобайнида мурожаат этувчининг аризасида кўрсатилган жойга чиққан ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиб, унинг техник планини шакллантиради ҳамда ушбу техник планни комиссия аъзоларига ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга тизим орқали юборади.

12. Комиссия аъзолари ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 календарь кун мобайнида мурожаат этувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатини у жойлашган жойга борган ҳолда ўрганади ва ўрганиш натижаларига кўра комиссия ишчи органига кўчмас мулк объекти бўйича ўз хулосаларини (маълумотномаларини) тизим орқали юборади, туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғи бундан мустасно.

13. Комиссия аъзоларининг хулосаларида (маълумотномаларида) қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғининг хулосасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмагани ёки жойлашгани, ер участкасининг умумий майдони ва сифат тавсифлари;

б) туман (шаҳар) қурилиш бўлими бошлиғининг хулосасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморат аҳоли пунктларининг бош режалари ва уларнинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда), қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда) зид равишда ҳамда объектларнинг муҳофаза зоналарида жойлашгани ёки жойлашмагани, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг бошқа талаблари бузилгани ёки бузилмагани;

в) туман (шаҳар) экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғининг хулосасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган муҳофаза этиладиган ҳудудда жойлашгани ёки жойлашмагани, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни жойлаштиришда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилгани ёки этилмагани;

г) туман (шаҳар) давлат бош санитария врачининг хулосасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморат ва у жойлашган ер участкасида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя қилингани ёки риоя қилинмагани;

д) туман (шаҳар) ички ишлар бўлимининг маълумотномасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморатдан фойдаланувчи ва унинг оила аъзолари қайси манзилда рўйхатдан ўтганлиги ёки рўйхатдан ўтмаганлиги;

е) туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг маълумотномасида – мурожаат этувчида мол-мулк ва ер солиғи бўйича қарздорлик борлиги ёки йўқлиги;

ж) туман (шаҳар) ёнгин хавфсизлиги инспекторининг хулосасида – ўзбошимчалик билан қурилган иморат ва у жойлашган ер участкасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилингани ёки риоя қилинмагани.

Комиссия аъзоларининг хулосаларида (маълумотномаларида) ақс эттирилган маълумотлар аниқ манбалар ҳамда қонун ҳужжатлари билан асосланганлиги бўлиши лозим.

Комиссия аъзоларининг хулосалари (маълумотномалари) масъул мансабдор шахс томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

14. Туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғи бир марталик акция давомида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш чораларини амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётини ўрганади ва аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишларини, уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради.

15. Комиссия аъзолари ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ ўтказилган кўчмас мулк объектларининг хатлови натижалари бўйича йиғилган маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморат магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари қўриқландиган муҳофаза зоналари, сув муҳофазаси ва санитария-ҳимоя зоналарида, шунингдек, аэродромлар ҳамда чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида жойлашганда комиссия аъзолари тегишли режимли ҳудудлар ва иншоотлардан фойдаланувчи ташкилотлардан қўшимча маълумотларни (хулосаларни) сўровнома юбориш орқали олишлари шарт. Бунда сўровномага жавоб у келиб тушган кундан бошлаб 3 календарь куни мобайнида тақдим этилиши керак.

16. Ўрганиш натижалари бўйича аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса, улар комиссиянинг умумий йиғилишида узил-кесил ҳал қилинади. Бунда туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича ҳулосаси ҳисобга олиниши лозим.

Фуқаролар ўртасидаги мулкый низоларни ҳал қилиш комиссия ваколатига кирмайди, бундай низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда мулкый низолар ҳал қилингандан сўнг ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг эгаси бир марталик акция муддати тугагунга қадар ушбу Низомда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

17. Комиссия ишчи органи 3 календарь куни мобайнида комиссия аъзоларининг ҳулосаларига асосан кўчмас мулк объектини ўрганиш бўйича мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда далолатнома (кейинги ўринларда далолатнома деб аталади) расмийлаштиради.

Далолатномада комиссия аъзоларининг ҳулосалари акс эттирилади ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги, шу жумладан иморат жойлашган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги кўрсатилади.

Далолатнома комиссия ишчи органи масъул ходими томонидан имзоланади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Далолатномага комиссия ишчи органи томонидан ўрганиш давомида тузилган кўчмас мулк объектининг плани илова қилинади.

18. Комиссия томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин деб топилганда комиссия ишчи органи далолатнома тасдиқланган куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига мурожаат этувчи бир марталик йиғимни тўлаши учун электрон шаклда ҳисобварақ-фактурани тизим орқали юборади.

Давлат хизматлари маркази ҳисобварақ-фактура тушганидан сўнг бир соат мобайнида мурожаат этувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилади ҳамда ҳисобварақ-фактурага ўзининг муҳрини босиб мурожаат этувчига тақдим этади.

19. Мурожаат этувчи ҳисобварақ-фактура тушган кундан бошлаб 4 иш куни мобайнида ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган тўловни (энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдордаги бир марталик йиғимни) амалга оширади.

Бир марталик йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

20. Бир марталик йиғим суммасининг:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ғазна ҳисоб рақамига;

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармасига;

20 фоизи – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхоналари ҳисоб рақамига;

40 фоизи – тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига ўтказилади.



21. Мурожаат этувчи томонидан бир марталик йиғим белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, унинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишлари тўхтатиб турилади. Мурожаат этувчи томонидан бир марталик акция муддати тугагунга қадар тўлов амалга оширилмаса ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмайди.

22. Комиссия ишчи органи мурожаат этувчи томонидан бир марталик йиғим тўлангандан кейин 2 календарь куни мобайнида Комиссия раиси томонидан тасдиқланган далолатнома асосида мурожаат этувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига тақдим этади.

Қарор лойиҳасида ўзбошимчалик билан қурилган иморат мулкдорига иморат қурилган ер участкасига (участканинг бир қисмига) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ҳам назарда тутилади.

23. Туман (шаҳар) ҳокимининг комиссия ишчи органи томонидан тайёрланган қарори лойиҳаси у тақдим этилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида қабул қилинади.

24. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб, 1 иш куни мобайнида Комиссия ишчи органи томонидан Давлат хизматлари марказига тизим орқали юборилади.

Давлат хизматлари маркази туман (шаҳар) ҳокимининг қарори нусхаси тушганидан сўнг бир соат мобайнида мурожаат этувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилади ҳамда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори нусхасига ўзининг муҳрини қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади.

#### **4-боб. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ёки уни рад этиш**

25. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

26. Қуйидаги ҳолларда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилади ва иморат жойлашган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилади:

ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, жисмоний шахслар томонидан узлуксиз фойдаланилаётган ер участкалари, агар ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузмаса ёки фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар (шу жумладан, ҳар бир оилага белгиланган меъёрлар) доирасида;

белгиланган тартибда берилмаган ер участкаларида қурилган объектлар мулкдори бўлмаган, лекин ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилиб жисмоний шахслар томонидан фойдаланилаётган иморатларига ва ер участкасига;

кўчмас мулк объектларига эгалик ҳуқуқи мавжуд жисмоний шахслар томонидан ўзи яшаб турган ер участкасига ўзбошимчалик билан қурилган қўшимча иморатларига;

жисмоний шахслар томонидан “Ер тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишига қадар (1990 йил 20 июнь) яқка тартибда уй-жой қуриш, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун фойдаланиб келаётган иморатлар ва ер участкасига ҳуқуқларни белгиловчи ҳужжатлар сақлаб қолинмаган бўлса;

деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалик юритиш учун фойдаланилаётган ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ва уларда қурилган иморатларга “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида белгиланган меъёрлар доирасида.

27. Қуйидаги ҳолларда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмайди:

аҳоли пунктларининг бош режалари ва уларнинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига, қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига (мавжуд бўлганда) зид равишда жойлашган иморатларга;

магистрал қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линиялари кўриқланадиган муҳофаза зоналари, сув муҳофазаси ва санитария-химоя зоналарида, шунингдек аэродромлар ҳамда чиқиндилар ва бошқа захарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида жойлашган иморатларга;

қонун ҳужжатлари билан қурилиши тақиқланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳамда табиий хавфи юқори бўлган ҳудудда жойлашган иморатларга;

ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасида қурилган иморатлар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини бузиб қурилган бўлса, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса.

28. Комиссия томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас деб топилганда комиссия ишчи органи рад этиш асослари кўрсатилган хат тайёрлайди ва далолатноманинг нусхасини илова қилган ҳолда уни далолатнома тасдиқланган куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимига тизим орқали юборди.

Давлат хизматлари маркази хат тушганидан сўнг бир соат мобайнида мурожаат этувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизимлари орқали хабардор қилади ҳамда хатга ўзининг муҳрини кўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади.

Хатда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун тўсқинлик қилаётган ҳолатларни (камчиликларни) бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади ёки ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этиш мумкин эмас бўлган ҳолатлар кўрсатилади.

29. Ўзбошимчалик билан қурилган иморат бўйича комиссия ишчи органининг хатида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг ўзбошимчалик билан қурилган иморат эгаси ушбу Низомда белгиланган тартибда бир марталик акция муддати тугагунга қадар мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

30. Мурожаат этувчи комиссия қароридан норози бўлган тақдирда, бир марталик акция муддати тугагунга қадар тегишлилиги бўйича юқори турувчи комиссияга ёхуд судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари туман (шаҳар) комиссияларининг қарорларидан норози бўлган шахсларнинг мурожаатларини 3 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва ҳал этади.

31. Комиссия томонидан шахснинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас деб ҳисобланганда туман (шаҳар) ҳокимликлари комиссия далолатномаси асосида қонун ҳужжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги даъво аризасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда судга киритади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида низомга  
1-илова

**Бир марталик акция доирасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳамда кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссияларнинг фаолиятини амалга ошириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Мурожаат этувчи	Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун Давлат хизматлари марказиорқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза расмийлаштиради.	Хоҳишига кўра
2-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни комиссия ишчи органига юборади.	1 соат мобайнида
3-босқич	Комиссия ишчи органи(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри“Ермулккадастр” давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиали)	Мурожаат этувчининг аризасида кўрсатилган жойга чиққан ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиб, унинг техник планини шакллантиради ва уни ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга комиссия аъзоларига юборади.	Ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида
4-босқич	Туман (шаҳар) комиссия аъзолари	1. Мурожаат этувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморати жойлашган жойга борган ҳолда уни ўрганади. 2. Зарур ҳолларда, ўрганиш натижалари бўйича аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса, комиссиянинг умумий йиғилишида ушбу масалани узил-кесил ҳал қилади. 3. Ўрганиш натижаларига кўра комиссия ишчи органига кўчмас мулк объекти бўйича ўз хулосаларини (маълумотномаларини) юборади	5 иш куни мобайнида

5-босқич	1. Комиссия ишчи органи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри “Ермулккадастр” давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиали), туман (шаҳар) комиссия аъзолари 2. Комиссия ишчи органи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри “Ермулккадастр” давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиали)	1. Комиссия аъзоларининг хулосаларига асосан кўчмас мулк объектини ўрганиш бўйича далолатнома расмийлаштирилади, имзоланади, тасдиқланади. 2. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин деб топилганда бир марталик йиғимни тўлаши учун электрон шаклда ҳисобварақ-фактурани Давлат хизматлари марказига юборади. 3. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас деб топилганда комиссия ишчи органи рад этиш асослари кўрсатилган хат тайёрлайди ва далолатноманинг нусхасини илова қилган ҳолда уни далолатнома тасдиқланган куннинг ўзида Давлат хизматлари марказига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимига тизим орқали юборади.	3 иш куни мобайнида  Далолатнома тасдиқланган куннинг ўзида
6-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Мурожаат этувчини ҳисобварақ-фактура келиб тушганлиги ҳақида хабардор қилади ва унга ўзининг муҳрини қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади. 2. Мурожаат этувчига комиссия ишчи органи томонидан тайёрланган хат келиб тушганлиги ҳақида хабардор қилади ва унга ўзининг муҳрини қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади.	Ҳисобварақ-фактура келиб тушганидан сўнг 1 соат мобайнида
7-босқич	Мурожаат этувчи	1. Ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган тўловни амалга оширади.	4 иш куни мобайнида
8-босқич	Комиссия ишчи органи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри “Ермулккадастр” давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиали)-	1. Тасдиқланган далолатнома асосида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди. 2. Қарор лойиҳасини тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига тақдим этади.	Бир марталик йиғимни тўлангандан кейин 2 иш куни мобайнида

9-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими	Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида қарорни қабул қилади.	Қарор лойиҳаси тақдим этилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
10-босқич	Комиссия ишчи органи(Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри “Ермулккадастр” давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиали)	Туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхасини Давлат хизматлари марказига юборади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида
11-босқич	Давлат хизматлари маркази	Мурожаат этувчини туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси тушганлиги ҳақида хабардор қилади ва унга ўзининг муҳрини қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади.	Қарор нусхаси келиб тушганидан сўнг 1 соат мобайнида
12-босқич	Мурожаат этувчи	Туман (шаҳар) комиссиясининг қароридан норози бўлганда, тегишлилиги бўйича юқори турувчи комиссияга ёхуд судга шикоят қилади.	Бир марталик акция муддати тугагунга қадар
13-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳаркомиссиялари	1.Туман (шаҳар) комиссияларининг қарорларидан норози бўлган шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва ҳал этади.	Мурожаат келиб тушгандан сўнг 3 иш куни мобайнида
14-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Комиссия томонидан шахсининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин эмас деб ҳисобланганда, туман (шаҳар) ҳокимликлари комиссия далолатномаси асосида қонун ҳужжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бартараф этиш (бузиб ташлаш) тўғрисидаги даъво аризасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга киритади.	Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда

15-босқич	Туман (шаҳар) комиссиялари	<p>1. Ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботни белгиланган шаклга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этади.</p> <p>2. Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ахборот бериб боради</p>	<p>1. Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-санасига қадар</p> <p>2. Ҳар чоракда</p>
16-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари	<p>1. Туман (шаҳар) комиссияларининг фаолияти тўғрисида ҳар ой якуни бўйича ҳисоботини таҳлил қилади ва белгиланган шаклга мувофиқ республика комиссиясига тақдим этиб боради.</p> <p>2. Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ахборот бериб боради.</p>	<p>1. Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар</p> <p>2. Ҳар чоракда</p>
17-босқич	Республика комиссияси	<p>Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан тақдим этилган ҳисоботни умумлаштиради ҳамда белгиланган шаклга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорак якуни бўйича тақдим этиб боради.</p>	<p>Ҳар чоракда</p>

Кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини  
эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат  
акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан  
мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисида  
низомга  
2-илова

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ҳокими  
\_\_\_\_\_ га  
(ҳокимнинг Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_ да  
(манзил)  
яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_ дан  
(фуқаронинг Ф.И.О.)  
тел.: \_\_\_\_\_

### АРИЗА

Мен \_\_\_\_\_ ўзбошимчалик  
билан \_\_\_\_\_  
(мурожаат этувчининг Ф.И.О.)  
қурилган

\_\_\_\_\_ да  
(тўлик манзил)  
жойлашган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишингизни сўрайман.

Ер участкасининг умумий майдони \_\_\_\_\_ га ни ташкил этади.

Ер участкасидан амалда фойдаланганлик учун сабаб бўлган ҳолатлар:

Паспортга оид маълумотлар (серия ва рақам): \_\_\_\_\_.

Электрон почта манзили (мавжуд бўлса): \_\_\_\_\_.

Ушбу аризага қуйидагилар илова қилинмоқда:

паспорт нусхаси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг оила аъзолари ҳақида  
хамда ер участкасига эгалик қилинган муддатлар ва иморат қурилган вақт  
тўғрисидаги маълумотнома.

\_\_\_\_\_  
(мурожаат этувчининг имзоси)

\_\_\_\_\_  
(сана)



Кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф  
этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси  
доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини  
эътироф этиш тартиби тўғрисида низомга  
3-илова

### ТАСДИҚЛАЙМАН

Комиссия раиси – туман (шаҳар)  
ҳоқимининг саноатни ривожлантириш,  
капитал қурилиш, коммуникациялар ва  
коммунал хўжалик масалалари бўйича  
ўринбосари

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

### Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиш натижалари бўйича ДАЛОЛАТНОМА

\_\_\_\_\_ тегишли

\_\_\_\_\_ (жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)

Ушбу далолатнома:

ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

қурилиш бўлими \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

экология ва атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш инспекцияси \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

давлат солиқ инспекцияси \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

давлат бош санитария врачлари \_\_\_\_\_ ,

(Ф.И.О.)

ички ишлар бўлими \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

ёнғин хавфсизлиги бўлими \_\_\_\_\_ ,

(лавозими, Ф.И.О.)

кўчмас мулк объектдан фойдаланувчи \_\_\_\_\_ ,

(Ф.И.О.)

иштирокида тузилди.

Кўчмас мулк объектини ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди:

1. Кўчмас мулкнинг жойлашган жойи \_\_\_\_\_ .

2. Кадастр рақами: ер участкасининг (рақам берилганда) \_\_\_\_\_ .  
бино ва иншоотнинг (рақам берилганда) \_\_\_\_\_ .

3. Фойдаланиш мақсади:  
ер участкасининг \_\_\_\_\_ .

бино ва иншоотнинг \_\_\_\_\_ .

4. Ер участкасининг майдони, амалда \_\_\_\_\_ га.

5. Бино ва иншоотнинг умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м.

6. Қўшни ер эгаси ва ердан фойдаланувчилар ўртасида низолар мавжудлиги \_\_\_\_\_

7. Ўрганиш жараёнида комиссия аъзоларининг хулосалари асосида аниқланган маълумотлар:

8. \_\_\_\_\_

(Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги кўрсатилади)

9. \_\_\_\_\_

(Ўзбошимчалик билан қурилган иморат жойлашган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги кўрсатилади)

Мазкур далолатномага ер участкасининг плани илова қилинади.


**Комиссия ишчи органи**

\_\_\_\_\_ (лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиш  
натижалари бўйича далолатномага  
ИЛОВА

**Ер участкасининг  
ПЛАНИ**



\_\_\_\_\_ масштаб

Чегарадош ердан фойдаланувчилар билан келишув:

\_\_\_\_\_ (номи, имзоси, Ф.И.О.)

Ижрочи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзоси, Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “21 ” \_\_\_\_\_ июн даги  
461 -сон қарорига  
2-илова

**Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини  
ташкил этиш бўйича республика комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

1. З. Мирзаев – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,  
*Комиссияси раиси*
2. А. Абдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия,  
картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси,  
*Комиссия раиси ўринбосари*
3. А. Тўхтаев – Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири
4. Б. Кучкаров – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни  
муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
5. Б. Мусаев – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси  
в.б.
6. А. Шадманов – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири
7. П. Бобожонов – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
8. А. Ташкулов – Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари

**Изоҳ.** *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига  
ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар  
юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “21” \_\_\_\_\_ ИЮН даги  
461-сон қарорига  
3-илова

**Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш  
бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
комиссиясининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари, *Комиссия раиси*
2. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи, *Комиссия раиси ўринбосари*
3. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи
4. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири, вилоятлар бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
5. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи
6. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
7. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари
8. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоят ички ишлар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи
9. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

**Изоҳ.** 1. *Комиссия таркиби тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади.*

2. *Комиссияларнинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*


Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “21” \_\_\_\_\_ ИЮН даги  
461 -сон қарорига  
За-илова

**Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш  
бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг  
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. лавозимига кўра – туман (шаҳар) ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги бўйича ўринбосари, *Комиссия раиси*
2. лавозимига кўра – туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, *Комиссия раиси ўринбосари*
3. лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиали бошлиғи
4. лавозимига кўра – туман (шаҳар) қурилиш бўлими бошлиғи
5. лавозимига кўра – туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
6. лавозимига кўра – туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
7. лавозимига кўра – туман (шаҳар) давлат бош санитария врачлари
8. лавозимига кўра – туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи
9. лавозимига кўра – туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими
10. лавозимига кўра – туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғи

**Изоҳ.** 1. *Комиссияларнинг шахсий таркиби тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади.*

2. *Комиссияларнинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “21” \_\_\_\_\_ ИЮН даги  
461 -сон қарорига  
4-илова

Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича \_\_\_\_\_  
(туман (шаҳар), вилоят, республика)  
комиссияси фаолияти тўғрисида 2018 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ ҳолатига

### ҲИСОБОТ

Т/р	Худудларнинг номи	Кўчмас мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган туман (шаҳар) ҳокимининг қарорлари сони	Ер участкасининг умумий майдони (га)			Иморатлар эгалаб турган умумий майдони (қв.м.)	
			шундан ўзбошимчлик билан эгалланган	мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган	захирага қайтарилган	жами	эгалик ҳуқуқи эътироф этилган майдони
	1	2	3	4	5	6	7

**Изоҳ.** Мазкур ҳисобот:

туман (шаҳар) комиссия ишчи органи томонидан туман бўйича тузилади ва вилоят комиссиясига юборилади;  
вилоят ва Тошкент шаҳар комиссияси ишчи органи томонидан туманлар кесимида тузилади ва республика комиссиясига юборилади;  
республика комиссияси ишчи органи томонидан вилоятлар кесимида тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасга юборилади.